

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШДА, “КОМПЕТЕНТЛИК” ВА “КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ.

Эшмуродова Феруза

*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистранти*

**Аннотация.** Мақолада касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишда, бизнес асослари фанидан таълим олиш сифатини оширишга қўйилган талаблар ва “компетентлик”, “касбий компетентлик” тушунчаларининг моҳияти талқин қилинган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, бизнес, таълим сифати, компетентлик, касбий компетентлик, тадбиркорликка йўналтириш, креатив, таълим, таълим жараёни, ўқувчилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли ва кескин рақобатга бардошли бўлиш, ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлишни, ўз малака кўникмасини изчил равишда ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Тадқиқот ишига киришишдан олдин қуйидаги саволларга аниқлик киритиб олишимиз керак: компетентлик нима? Касбий компетентлик асосида қандай сифатлар акс ётади? Бўлажак тадбиркор ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Қуйида шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан фикр юритилади.

Мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши - касбий компетентлик деб аталади [1].

Бўлажак тадбиркор томонидан касбий компетентликни намоён этиш алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир соҳанинг мустақил йўналиши бўйича интегрatív билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, касбий компетент тадбиркор соҳа бўйича ўз билимларини доимо бойитиб боришини, янги касбий ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, касбига мувофиқ янги маълумотларни излаб топиши, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай олишни тақозо этади.


Тадбиркорнинг касбий компетентлиги қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда.

Касбий компетентликка эга тадбиркор:

- ўз билимларини доимий ва изчил бойитиб боради;
- янги касбий ахборотларни ўзлаштиради;
- мутахассислиги бўйича давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

Касбий компетентлик сифатлари. Касбий компетентлик асосида қуйидаги сифатлар ётади (1-расм):



**1-расм. Касбий компетентлик асосида ётувчи сифатлар**

Қуйида касбий компетентлик асосида ётувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилган [2].

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

б) методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

с) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

д) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоёниш эта олиш;

е) инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

ф) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, ўқувчилар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

g) Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намон қилиш.

h) Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

i) Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Ўзбекистон Республикаси шароитида ҳам мутахассис (тадбиркор)га хос касбий компетентликнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади [3]. Тадқиқотчининг фикрига кўра мутахассисга хос касбий компетентлик негизини қуйидаги таркибий асослар ташкил этади (2-расм):



2-расм. Касбий компетентликнинг муҳим таркибий асослари (Б.Назарова)

Мутахассис (тадбиркор)нинг касбий компетентлигини ривожлантириш. Касбий компетентликка эга бўлишда, ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади [4].

Шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этилиши - ўз устида ишлаш дейилади.

Касбий компетент мутахассиснинг ўз устида ишлаши қуйидагиларда намоён бўлади:

- касбий билим, кўникма ва малакалари (БКМ)ни такомиллаштириб бориши;
- ўз фаолиятига танқидий ва ижодий ёндошиши;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиши;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириши;
- салбий одатларни бартараф этиб бориши;
- ижобий сифатларни ўзлаштириши.

Касб эгасининг қуйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалайди [4]:

- аниқ мақсад, интилиш асосида касбий жараёни такомиллаштириш;
- касбий жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равишда янгиланиб бораётган касбий билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали тадбиқ этиш;
- касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий касбий низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи, ҳар бир мутахассис (тадбиркор)ни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни ривожлантиришини талаб этади. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоён бўлади. Хусусан, мутахассисга хос касбий компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1.Рахматуллаева Д.Р. “Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш”. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) докторлик дисс. – Т.:2018. - 130 б.

2.Двуличанская, Н.Н. Компетентностный подход к обучению естественно-научным дисциплинам в техническом профессиональном образовании: монография / - М.: НИИ РЛ МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2011. – 188 с.

3. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. докт. пед. наук. – Ташкент, 2003. – 327 с

4.Махмудов Ю. ва бошқалар. Инновацион таълим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг методик-дидактик асослари. Монография. – Т.: «Янги нашр», 2018. – 196 б.